

Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

6 август, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 163 (1680)

ТАШКИЛИЙ ҚҮМИТА ЙИГИЛИШИ

Хевани бежиз очик ҳаводаги музей шаҳар деб аташмайди. Зеро, бу ерда буюк аждодларимиздан мерос қолган, шонли ўтмишимизни эслатиб турувчи ўнлаб обидалар асрлар оша яшаб келмоқда. Уларни кўз қорачигидек асраб, келажак авлодларга етказиш, жаҳоншумул шухратини орттириш барчамизнинг бурчимиздир.

Бу йил қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллик юбилейи нишонланиши ҳам мамлакатимизда тарихий қадриятларни тиклаш, тегран маданиятимизни тарғиб қилиш борасидаги ибратли ишлар сирасидандир.

5 август куни мазкур юбилейни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзолари Хевада бўлиб, бу ерда амалга ошириладиган ташкилий ишлар билан танишдилар. Улар Хоразм вилояти ҳокими И. Юсупов ҳамроҳлигида тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишларининг бориши, театрлашган томоша ва халқаро илмий конференция ўтказиладиган жойларни кўздан кечирдилар.

Шу куни Хева шаҳар ҳокимлигида ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита расиси И. Жўрабеков бошқарди. У обидаларни таъмирлаш, шаҳарни ободонлаштириш, меҳмонхоналарни жиҳозлаш ишларини жалдлаштириш зарурлигига эътиборни қаратди. Таъкидландики, юбилейга тайёргарлик борасидаги мавжуд муаммо ва камчилик-

ларни вақтида ҳал этиш, таъмирланаётган иншоотлардаги иш суръатини жалдлаштириш учун мутасадди ташкилотлар раҳбарлари масъулиятли ва ташаббускор бўлишлари лозим.

Йиғилишда Хоразм вилоят ҳокимининг ўринбосари Р. Йўлдошев, маданият ишлари вазири Х. Жўраев таъмирлаш ишларининг бориши, тантаналарни саҳналаштириш, уларга республикамизнинг етакчи санъаткорларини жалб этиш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида тўхталдилар. Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Т. Жўраев кўпга хоржий ва республика олимлари иштирокида ўтказилган халқаро илмий конференцияга ҳозирлик, юбилейга атаб тайёрланаётган китоблар нашри ҳақида ахборот берди.

Мажлисада барча мутасадди ташкилотлар раҳбарларига зарур кўрсатма ва тавсиялар берилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ҳ. Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов қатнашди.

(ЎЗА).

ДЕҲҚОНЛАР ТОРТИФИ



Наманган туманидаги «Зарбдор» корпорацияси боғбонлари давлатга 20 тонна мева топшириб, бу борадаги буюртмани зиёди билан адо этдилар. Боғларда ҳали ҳосил мўл. Шу боис мева топшириш давом этмоқда.

— Бу ютуққа бизнинг жамоамиз ҳам муносиб ҳисса қўйди, — дейди 1-боғдорчилик бригадаси бошлиғи Жобирхон Жалилов. — 5 гектар боғдан 10 тонна мева йиғиштириб олдик.

Айни кунларда улар Наманган шаҳар аҳолисининг мева-сабзавотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: мевалар фарқ пишиди; бригада бошлиғи Ж. Жалилов.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.



«Андижонёғмой» хиссадорлик корхонасида вилоят далаларида етиштирилган соя донида тэйр маҳсулот — пишлоқ, бринза тэйрлана бошлади.

СОЯ СУТИДАН ҚАТИҚ

Россия Федерацияси Краснодар ўлкасидан келтирилган асбоб-ускуналар ёрдамида соатига 40 килограмм соя сути олинмоқда. Уни икки оператор бошқаради.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

● НУКУС

ЯНГИ МАРКАЗ

Қорақалпоғистон иқтисодиётида, республика Жўқорги Кенгесининг сессиясида таъкидланганидек, бой табиий ва меҳнат ресурсларини халқ ҳўжалиги мажмуиға қўшишда муҳим омили бўла оладиган йирик чет эл инвестицияларига алоҳида муҳтожлик сезилмоқда.

Шу маънода, республика «Қамолот» жамғармаси қошида Инвестицияларга ҳамкорлик қилиш марказининг ташкил этилгани айни муддао бўлди. Мазкур марказга жаҳонга машҳур IBM фирмаси ҳомийлик қилмоқда.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ.

● ЖИЗЗА

БАХМАЛЛИКЛАР ҲАМКОРИ

Бахмаллик тадбиркорлар чет эллик ишибалармонлар билан иқтисодий алоқаларини тобора мустаҳкамламоқда.

Миллий банк томонидан унинг вилоят бўлимига топширилган бизнес-режа амалга ошса, Польшанинг «Марпол» савдо корхонаси кўмағида

Оқтош қишлоғида маъданли шифобахш сувни қадоқлаш йўлга қўйилди. Бу корхона эса узоғи билан тўрт ойда куриб битказилади.

Бундан ташқари, Оқтош қонидида мрамарни қайта ишлаб, йилига 7200 квадрат метр сержило плиталарга тайёрлаш цехи, Бахмал қишлоғида Бирлашган Араб Амирликлари фирмалари билан ҳамкорликда гургут ва пишлоқ заводлари барпо этишга киришилди. «Ғайрат» деҳқон-фермер ҳўжалиги эса Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасидан прессланган гишт ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олди.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ.

● НАВОИЙ

КОНЧИЛАРГА ЯНГИ ТЕХНИКА

Учқудуқлик кончилар Американинг «КАТ» ва Германиянинг «Вирген» русумли экскаваторларини олдилар. Бу техникалар 250-300 метр чуқурида ҳам 24 соат тинимсиз ишлашга мослашган.

Шимоллий кон бошқармаси йил охиригача Германиянинг «Ориентштейн и Копель» фирмасидан яна тўртта экскаватор харид қилмоқчи. Бу машиналар Кўкпатасдаги карьерларда ишлайди.

Т. ЭШБОЕВ.

БУЮРТМА МУДДАТИДА БАЖАРИЛМОҚДА

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг «Ўзтемирйўл-таъмирлаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Андижон меҳаника заводи жамоаси «Тико», «Нексия» машиналари ва «Дамас» микроавтобусларини ташиш учун икки қаватли темир йўл платформаларини қайта жиҳозлаш ишларини муддатидан олдин тугалламоқда.

Асака автомобилсозларнинг август ойининг охиригача ўзлари буюртма берган 50 та платформани олади. Бу платформалар юкларни мустаҳкамлаб ўрнатиш учун қулайлиги, фойдаланиш осонлиги билан ажралиб туради.

Меҳаника заводи ишчилари республика темир йўл транспорти учун локомотив ва вагонларни, темир йўлларни таъмирлаш

учун зарур бўлган ускуна ва жиҳозларни ишлаб чиқаради. Сўнгги йилларда бу ерда локомотивларнинг гидроакцияларини алмаштириш учун кўтаргичлар, 10 тоннадан 40 тоннагача юкларни кўтаришга мўжжалланган электр домкратлари, вагонлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу йилнинг етти ойи давомида корхонада тўрт хил нос-

тандарт ускуна ва 15 хил эҳтиёт қисмини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

1997 йил — Инсон манфаатлари йили. Шу муносабат билан заводда тикувчилик ва қандолат цехлари, ёрдамчи теплица ҳўжалиги, мебел тайёрлаш ва таъмирлаш, автомобиль ўриндиқларига гилоф тикиш цехлари ишга туширилди. Корхона қошидаги автомобилларни таъмирлаш устахонаси хизматидан завод ходимларидан ташқари, шу теградда Бўстон даҳаси ва Андижоннинг жануби-шарқидида маҳалалар аҳолиси ҳам фойдаланмоқда.

(ЎЗА).



ЎЛКАН ТАРОНАЛАР САҲНАСИ

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ректори Равшан ЮНУСОВ билан мулоқот

— Равшан ака, Вазирлар Маҳкамасининг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш ҳақидаги қарори билан танишсангиз, дастлаб кўнглингизда нималар кечган эди?

— У пайтда мен Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлардим. Шунинг учун ушбу қарор лойиҳасини тайёрлашда қатнашганман. Адамасамас, фестивални ўтказиш ҳақидаги гап ўтган йилнинг 12 декабрида кўтарилганди. Президентимиз ҳаммамизни йиғиб, менда шундай фикр туғилди, нима дейсангиз, деб сўраб қолди. Бу ташаббус биз учун айни муддао бўлди. Чунки шўро мафкураси бизни 74 йил мобайнида жилонда ушлаб турганлиги боис, боши берк кўчага кириб қолгандик. Санъатда ҳам аҳвол шу эди. Мазкур қарор эса мусиқанинг лойқаланмаган бўлгани кўзини очиб юборишга қўлмасдан, уни халққа етказиб берди.

Фестивални номлаш борасида ҳам анча мулоҳиза бўлди. Охири «Шарқ оҳанглари» ва «Шарқ тароналари» деган ик-

кита номдан бирини танлаб олиш ҳусусида тўхталдик. «Тарона» сўзи жарангдор ва кенг маънога эга бўлиб, куй-қўшиқ эътиборини тортди. Собиқ СССР пайтида ҳам, истиқлол йилларида ҳам бу шаклда, бу маънуда, бу мақсадда йирик мусиқа тадбири ўтказилмаган эди. Шуларни уйлаб, фестиваль ҳақиқий мусиқий анжуман бўлишини тасаввур қилдим.

— Фестивалнинг ўзига хос, кўзга ташланиб турувчи томонлари нималар?

— «Шарқ тароналари», аввало, истиқлол йилларида мустақил диёримизда илк бор ўтказиладиган, қолаверса, икки жиҳати билан эътиборга молик. Биринчидан, фестиваль доирасида қатор тадбирлар уюштирилади. Улардан бири «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танловидир. Бунда ҳар бир мамлакатдан таширф буюрган қатнашчи ўз халқининг миллий қўшигини ижро этади. Фолибларнинг қўшиқлари диск орқали кўпайтирилиб, бутун жаҳонга тарқатилади.

Иккинчидан эса, «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзюида илмий-ижодий конференция бўлиб ўтади. Бу Марказий Осиё халқлари учун ҳам, Шарқ халқлари учун ҳам муҳимдир. Чунки кейинги ўн йилликларда Шарқ халқлари мусиқасидан анча йироқлашиб кетгандик. Конференция мусиқий ютуқларимизни ўзаро мувофиқлаштириб, XX аср охири ва XXI аср бошларида Шарқ халқлари мусиқаси қандай жараёнларни бошдан кечираётгани ҳақида муфассал маълумот беради. Ҳеч бир халқ мусиқаси, шу жумладан, Ўзбекистон мусиқаси ҳам бошқа мусиқалардан айрича, ўз ҳолига яшаш мумкин эмас. Шу маънода, мазкур конференция мусиқачиларга қандай ижодий туртки ва озуқа беради. Келажакда турли давлатлардаги олий ўқув юрталари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Фестивалда Фарб мутахассислари, ЮНЕСКО қўшиқлари Халқаро мусиқа кенгаши вакиллари ҳам қатнашадилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН БУЮК КЕЛАЖАК КАЛИТИ

Бўлажак сессия кун тартибига «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Мухбиримиз ана шу қонун лойиҳаси ҳусусида Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Пиримқул ҚОДИРОВ билан суҳбатлашди.

— Пиримқул ака, аввало сессия кун тартиби ҳақида тўхталсангиз.

— Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси Ўзбекистонда миллий юксалишни таъмин этадиган энг муҳим омилларни қонун йўли билан қўллаб-қувватлашга йўналтирилгандир. Бизнинг тарихимиз ҳам, жаҳон халқлари таъриби ҳам битта улкан ҳақиқатни яққол кўрсатиб турибди. Бу ҳақиқат ҳар бир халқнинг таркибидидаги алоҳида инсонларга гам-хўрлик кўрсатиш, уларнинг камол топиши учун шароит яратиш, фаровон ҳаёт ва ижтимоий тараққиётга эришишнинг асо-

сий воситасидир. Сессия кун тартибига киритилган «Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ва у билан беvosита боғлиқ бўлган «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ана шу инсон омилига суянган ҳолда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини камолотга етказиш орқали мамлакатимизни жаҳоннинг илгор давлатлари қаторига олиб чиқиш мақсадини кўзлайди. «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу мақсадни тўлиқ амалга ошириш ва халқимизнинг буюк келажagini яратишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТЛАРДА ҚОНУН ВА ДАСТУР ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Наманганда республика Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» лойиҳалари муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда шаҳар, туман ҳокимлари, вилоятдан сайланган республика Олий Мажлисининг депутатлари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари раҳбарлари, мактаб ва лицей директорлари иштирок этди.

Кун тартибидидаги масала юзасидан республика Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Акмал

Қосимов маъруза қилди. Сўзга чиққанлар қонун ва дастур лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб, уларни янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Тўққин Жабборов қатнашди.

Андижонда бўлиб ўтган йиғилиш ҳам «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланди.

Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вилоят кенгаши депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, олий ўқув юрталари ректорлари, ўрта махсус билим юрталари, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Олий Мажлис раисининг ўринбосари А. Қосимов мамлакат парламентининг навбатдаги сессияси кун тартибига ки-

ритилган масалалар, чунончи, таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ушбу икки лойиҳа тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққанлар Ватан келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон, етуқ мутахассислар этиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, мазкур лойиҳаларни такомиллаштириш юзасидан фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар.

(ЎЗА).

шарқона муҳити бор. Мен бу ерда мўзининг нафасини ўфуриб турувчи тарихий обидаларни, санъатсезар аҳолиси, санъаткорлари ва томошабинларини назарда тутаяман. Қолаверса, кўнча шаҳарда тарихийлик билан бутуннинг ўзвий боғлиқлиги сезилиб туради. Шундан Самарқанд ўзимиз учун ҳам қадрли. Фестивал кунлари шодибонага фарқ бўлган шаҳарни улкан тароналар саҳнасига ўлнатим келлади. Тўғри, илтари ҳам Самарқандда уч марта халқаро аънанавий мусиқий симпозиум ўтказилган. Лекин навбатдаги фестивал ўзгирчиллиги билан аънанавий тинимсиз айланиб кетаётган ҳар қанча фархандас қарийди.


— Консерватория ўқитувчилари ва талабалари фестивалга қандай тайёрларлик қўришяпти?

— Консерватория ва конференция дастурини тузишда, қатнашчиларни саралаб олишда профессор-ўқитувчиларимиз қатнашди. Аниқ кунларда консерватория қошида таъкил этилган ансамбль аъзолари маком, анюла, чолгу қуйлардан иборат дастур тайёрлаш билан банд. Бу ишга аънанавий ижрочилик кафедраси мудир Рифатилла Қосимов билан Ўзбекистон халқ ҳофизини, профессор Фаттоҳон Маммадалиев бошчилик қилляпти.

«Халқ сўзи» мухбири Гудлехра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

УШБУ СОНДА

2-бет	3-бет	4-бет
<p>ҲУКУҚИЙ МАДАНИЯТ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАЛАБИ</p>	<p>«БУЮК СОҲИБҚИРОН — БУЮК БУЙЎДҚОР»</p>	<p>ҲАҚАМАЛАР ҚАТЪНИЛГАН БЎЛСИН</p>
<p>ЖОМБОЙГА ЭЛЕКТР ПОЕЗДИ КЕЛДИ</p>	<p>ХИЁНАТ</p>	




Урганч қурилиш материаллари заводи, асосан, Хоразм вилоятидаги қурилишлар учун силкит гитт етказиб беради. У йилга 48,7 миллион дона гитт ишлаб чиқариш қувватига эга. Шу йилнинг олти ойи давомида бу ерда 65 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Бугунги кунда жамоада 500 ишчи меҳнат қилмоқда. Завод мажмурияти уларни ҳар томонлама ижтимоий уюмлаш, иш шарт-шароитларини яхшилаш учун бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозирда ошхона, дам олиш ўйи, соғломлаштириш мажмуи, дўкон ва ҳаммом ишчилар хизматида.

СУРАТЛАРДА: ишчилар (чапдан) Эгам Отахонов, Карим Куръезов, бригада бошлиғи Абдулла Ёқубов, ишчи Икром Бойқоновлар; тайёр маҳсулот истеъмолчиларга жўнатишмоқда.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (УЗА) олган суратлар.



БУЮК КЕЛАЖАК КАЛИТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Таълим тўғрисида аввал ҳам қонун бор эди. Сизлар тайёрлаган янги қонун лойиҳасида қандай ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади?

— Ҳозир амалда бўлган «Таълим тўғрисида»ги Қонун бундан беш йил олдин қабул қилинган эди. 1993 йили унинг айрим моддаларига ўзгаришлар киритилди. Уйлайманки, шу ўтган йиллар ичида у ўз вазифасини бажариб бўлди. Бу эски қонун буғунги кун талабларига жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Унда ҳозирги ишлаб чиқаришнинг талабларига жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Унда ҳозирги ишлаб чиқаришнинг талабларига жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Унда ҳозирги ишлаб чиқаришнинг талабларига жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда МДХ давлатлари орасида биринчи марта шундай таълим тазимида ўтиш бўйича қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Бундан мақсад юқоридаги қанчаларни тугатиш, мактабни ҳаётга, ишлаб чиқаришга яқинлаштиришдир.

Ҳозирда олий таълим соҳасида тайёрланган малакали муҳассислар орасида ҳам ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрганлар оз эмас. Масалан, инженерлар, агрономлар кемиранган ортиқ тайёрланган. Ҳаётда буларга қанчалик талаб бор, бу билан ҳисоблашмасан. Олий таълим муҳассисларининг айтишича, чет мамлакатларда бир нафар муҳандисга 6-7 нафар техник ходим тўғри келиди. Бизда эса бир нафар техник ходимга 1 нафар муҳандис тўғри келаркан. Ҳозирги амалиётимизда дипломли муҳассис деган босқич ҳам бор. Бу жаҳон андозларига тўғри келмайди, у бизга шўро тўзумидан мерос бўлиб ўтган. Албатта, жаҳон даражасидаги олий таълим тизимига ўтиш учун маълум қўл талаб этилади. Келажакда бакалавр ва магистр деган асо-

сий олий таълим босқичлари ҳаётини талабларга кўпроқ тўғри келади.

— Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни қандай кечди?

— «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни бир неча ойдан бери қизғин давом этмоқда. Бу ишга таълим соҳасининг энг тажрибали муҳассислари, давлат арбоблари жалб этилди.

Қонун лойиҳасини маҳус комиссияси қайта-қайта қўриб чиқди ва уни такомиллаштириш ишига яқиндан ёрдам берди. Бу лойиҳа барча вилоятларда депутатлар ва фаоллар иштирокида муҳокамадан ўтказилди. Билдирилган фикрлар асосида лойиҳани илҳомчи борица пишиқ-пухта қилиб, кейин сессия муҳокамасига олиб чиқиш мўлжалланмоқда.

Соҳибқирон Амир Темури унинг буюк ишини давом эттирган Мирзо Улугбек, Алишер Навоий ва Мирзо Бобурлар ва улардан кейин ўтган барча улғу маърифатпарварлар таълим-тарбияга мана шундай устувор аҳамият берилишини орзу қилганлар. Айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистон давлати ва унинг Президенти изчил амалга ошираётган таълим-тарбияга оид улкан дастур ана шу асрий орзуларнинг тўлиқ рўбга чиқишига хизмат қилади. Таълим-тарбияга қанчалик катта аҳамият берилса, барча соҳаларнинг тараққиёти шунчалик тезлашишини ҳозирги энг ривожланган мамлакатларнинг таълими ҳам кўрсатиб турибди. Дунёнинг қайси мамлакатлари барча мод-дани ва маънавий имкониятларни ишга солиб, чинкама маърифатли муҳассисларни, Ватанига содиқ, ички дунёси ботиқ авлодларни тарбиялаб етиштириётган бўлса, ушша мамлакатлар жаҳон тараққиётининг олдинги марралирига чиқмоқдалар ва ўз эл-юртларининг фаровон ҳаётини таъминламоқдалар. Иншооллоҳ, келажакда Ўзбекистон ҳам мутараққий ва энг фаровон мамлакатлар қаторига кўшилади.

«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ сўхбатлашди.

Шарқона ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, мусулмон фикшунослигига, умумбаршарий қадриятларга ва сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи аъёнларига асосланган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ривожланади. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти эга бўлиш қобилияти инсон тафаккурининг бошқа шакллари каби таъминланадиган бўлади.

Ҳуқуқий тафаккур — бу ҳуқуқ асосида шаклландиранган онг. У юридик амалиётда, ҳуқуқий фанларни ўқитишда, ҳуқуқий тарбия ва тарғибда кенг қўлланади. Бу тафаккур ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ҳаққонийлик, аниқлик, ҳуқуқий меъёрлар муҳимиятини чуқур англаш, ҳуқуқий идрок этиш қобилиятининг намоён бўлишида кўринади.

Ҳуқуқий билиш учун ҳуқуқий тўшунчалардан яхши хабардор бўлиш шарт.

Бу ўз навбатида ҳуқуқий маданият юксалишига олиб келади. Бунинг ҳаётнинг ўзи зарурат қилиб қўймоқда. Ҳозирги пайтда амалга оширилаётган тўшунчалар фуқароларнинг миллий ҳуқуқий маданиятини ошириш ва уларнинг қонун билан қўриқилганидан манфаатларини ҳимоя қилишнинг талаб қилишдир. Республика ҳуқуқ-тартиб идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий

Пойтахтимиздаги «Алгоритм» заводи қандай қилиб «ТЭК и Ю» кичик корхонаси деҳқон (фермер) хўжалиқлари ҳамда қишлоқ хусусий корхоналарига лизинг шартномаси — ускуналарни муайян муддатга кейинчалик унга эгаллик қилиш ҳуқуқи билан ижарага бериш асосида сотишни йўлга қўйди

— Биринчи бўлиб Самарқанд вилоятининг Тошлоқ туманидаги «Жумбозор» хусусий корхонаси қарийб бир миллион сўмлик ускуна харид қилди,

шунингдек, макарон ва маккажўхори қаламчалари тайёрланадиган ва бошқа шунга ўхшаш 26 турдаги асбоб-ускуна ижарага олиш мумкин. Мижозлар ускунадан фойдаланиб даромад олиш билан бирга, шартнома мажбуриятларини ҳам бажариш имкониятига эга бўлади. Пировардида, ускуна унинг ихтиёрида қолади.

Б. ОСТАНАҚУЛОВ.

ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

— Шунингдек, макарон ва маккажўхори қаламчалари тайёрланадиган ва бошқа шунга ўхшаш 26 турдаги асбоб-ускуна ижарага олиш мумкин. Мижозлар ускунадан фойдаланиб даромад олиш билан бирга, шартнома мажбуриятларини ҳам бажариш имкониятига эга бўлади. Пировардида, ускуна унинг ихтиёрида қолади.

Б. ОСТАНАҚУЛОВ.

ЖОМБОЙГА ЭЛЕКТР ПОЕЗДИ КЕЛДИ

Самарқандлик темирйўлчилар ҳаётида муҳим воқеа юз берди. Аънавий касб байрами арафасида илк бор Жомбой бекатида электр поезди келди.

Соҳа ходимлари Жиззахдан Жомбойгача бўлган юз километр масофадаги йўлни фойдаланишга топширди. Уни электрлаштириш учун таъмирлаш, қайта қуриш ишларини бажаришда «Самарқандтранс» хисса-

дорлик бирлашмаси ишчи-хизматчилари, айниқса, фидокорлик кўрсатди. Жомбойга илк бор электр поезди келганига катта тантанга айланди. Унда вилоят ҳокими А.Мардиев ва «Ўзбекистон темир йўллари» ком-

панияси раиси Н. Эрметов сўзга чиқди. Шунингдек, Жомбой бекатида электр поезди қатнови йўлга қўйилгани туфайли экологик ҳолат яхшиланиши билан бирга, пассажир ва юк ташини харажатлари анча арзонлашади, кўп миқдорда ёқилғи тежаланади.

Х.ШУКУРОВ.

«Темур тузуқлари»да шундай сўзларга дуч келамиз: «Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасида ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим. Сиёсат ва инсоф билан сипоҳийларим ва раиятнинг умид ва қўрқинч орасида сарқаладим. Фуқаро ва қўл остиндагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъом улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни ша-

ҳаброт воситалари вакиллари билан учрашувда Президентимиз Исом Каримов таъкидлаганидек, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улғу ҳуқуққа эга бўлиш деган тўшунча эгали. Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-муқоти хал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам, демократиядир.

рум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шунингдек, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Бизга маълумки, ўтмишда фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга лозим даражада эришилмади. Ҳуқуқий меъёрларнинг мафқураласти-

ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги билан изоҳланади. Мамлакатимизда ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш бевосита миллий ҳуқуқни идрок этишга, ҳуқуқий ҳаётда фуқаролар фаоллигини таъмин этишга қаратилган. Шунингдек, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бирданига эришиш масаласи ўта жиддий вазифадир. Миллий ҳуқуқий маданиятни шакллантириш тадрижий, узок давом этадиган, бир неча йилларни ўз ичига қамраб оладиган, ҳуқуқий ҳаётда фуқаролар фаоллигини таъмин этишга қаратилган мураккаб улуслик жараёндир. Ҳозирги пайтда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар фуқаролар ҳуқуқий маданиятини оширишнинг асосий негизидир. Хусусан, қонунчилик жараёнининг тез ривожланиб бораётганлиги ва уни амалиётга қўлаш механизмининг такомиллаштирилганлиги фуқаролар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Мустақиллик ҳуқуқий тафаккури, умуминсон ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик, адолатпарварлик, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий меросни асраб-авайлаш ва юридик ҳаётимизнинг ҳамма жаҳабларида уни қарор топтиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ доирасидаги фаолиятларини амалга оширишга ёрдам беради. Буюк мутафаккир бобока-

ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги билан изоҳланади. Мамлакатимизда ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш бевосита миллий ҳуқуқни идрок этишга, ҳуқуқий ҳаётда фуқаролар фаоллигини таъмин этишга қаратилган. Шунингдек, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бирданига эришиш масаласи ўта жиддий вазифадир. Миллий ҳуқуқий маданиятни шакллантириш тадрижий, узок давом этадиган, бир неча йилларни ўз ичига қамраб оладиган, ҳуқуқий ҳаётда фуқаролар фаоллигини таъмин этишга қаратилган мураккаб улуслик жараёндир. Ҳозирги пайтда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар фуқаролар ҳуқуқий маданиятини оширишнинг асосий негизидир. Хусусан, қонунчилик жараёнининг тез ривожланиб бораётганлиги ва уни амалиётга қўлаш механизмининг такомиллаштирилганлиги фуқаролар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

«МАКТАБ, МАҲАЛЛА ВА ОЙЛА»

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан Бухоро шаҳридаги 33-мактабда шу мавзуда учрашув бўлиб ўтди. Унда республика «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари вилоят бўлимлари, суд ва ИИБ масъул ходимлари иштирок этди.

Учрашувда мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди, кўпала саволларга жавоб қайтарилди. Ота-оналар, мураббий-устозлар эса бундай фойдали мулоқотлар тез-тез ўтказиб турилиши лозимлигини таъкидладилар

Матнон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони мўҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжат бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат қурилишида қўнучиликни мустақамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислохотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида йўналтирилган.

Энг муҳими шундан иборатки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасида олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз мах-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 5 августидан бошлаб ҳисоб ва божсиз тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	51,62	1 Ҳитой юани	8,43	1 Швейцария франки	45,69
1 Австралия долларини	5,34	1 Кувейт доллари	229,37	1 ЭКЮ	74,02
1 Англия фунт стерлинги	113,97	1 1 Малайзия ринггити	26,80	10 Жапония йени	0,79
10 Бельгия франки	18,16	1 Германия маркази	37,49	10 Япония иенаси	5,29
1 Голландия гульдени	33,28	1 Норвегия кронаси	9,06	1000 Россия рубли	12,05
10 Греция драхмаси	2,41	1 Польша злотийи	20,17	1 Украина гривнаси	37,64
1 Дания кронаси	9,84	1 Португалия эскудоси	3,71	1000 Беларусь рубли	2,57
1 БАА дирхами	19,04	1 Сингапур доллари	47,72	1 Эстония кронаси	5,51
1 АКШ доллари	69,90	1 100 Туркия лираси	0,43	1 Латвия лати	118,68
1 Миср фунти	20,60	1 Финляндия маркази	12,58	1 Литва лати	17,48
1 Нидерланд фунти	100,94	1 Франция франки	11,12	1 Қозғоқистон тенгеси	0,93
1 Исландия кронаси	0,97	1 Швейцария франки	8,71	1 Қирғизистон сом	4,04
10 Исландия кронаси	4,44				
100 Италия лираси	3,84				
1 Канада доллари	50,67				

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Кўнун устуворлиги тан олинган ҳуқуқий давлат шароитида ҳуқуқий меъёрлар ижтимоий муносабатларни тартибга солишчи востига сифатида жамият барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Демак, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш даражаси айна қонунларнинг жамият ҳаётда тугган ўрнига ва давлат органларини томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалга оширишга ҳам боғлиқ. Фуқаролик жамияти эҳтиёжи учун қабул қилинаётган қонунларнинг фуқаролар вақтида ҳуқуқий идрок этиб, амалиётда қўлланган тақдирда ҳуқуқий ислохотларнинг жадал амалга ошириш шароити яратилади.

Ўз навбатида ҳуқуқий онглилик турмуш даражамизни сифат жиҳатидан ўзгариштириб, фуқароларнинг қонун йўл қўйган тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишига имконият яратди.

Ҳуқуқий маданият негизидан юридик тўшунчалар, миллий одоб, ахлоқ, аъёнлар тарғиб этилиб, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодир бўлади. Давлат, жамият, оила ҳамда фуқаролар манфаатларининг уйғунлиги жараёнида барча шахсларнинг қонунларга риоя қилиши, урнатилган тартиб-қоидаларга бўйсуниб яшаши объектив зарурдир.

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ!



МУСТАҚИЛЛИК — ИНСОННИ ҚАДРЛАШДИР

Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини кўлга киритганига олти йил тўлапти. Бу тарих учун жуда қисқа фурсат. Аммо ана шу қисқа фурсатда мамлакатимизда амалга оширилган ишларнинг кўлами бир неча ўн йилларга татигуликдир. Агар кўп йиллар мустақиллик ҳолатида яшаганимизни инобатга олсак, истиклол нашидаси биз учун янада қадрлироқ туюлади ва ундан кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Давлат мустақил бўлди. Аммо шўро ҳукумати етмиш йил мобайнида одамлар онгига миҳлаб ташлаган мафкуравий сарқитлардан халос бўлиш осон кечаётгани йўқ. Чунки биз ўзимизни, ўзгаларни деярли нурутган эдик. Қаёққа кетаётганимизни билмасдик. Дунёдаги мустақил давлатлар бизга «ёт унсу»дек кўринарди. «Нега улар коммунизм қуришни истамайдилар?» деб

Эдуард Кузнецов деган «диссидент» ёзувчи ишлари. У 80-йилларнинг бошларида собиқ Иттифоқ ҳудудидан баларға эълан эди. «Металлоп-Экспресс» газетасининг 1990 йил 2 август сонидан ана шу ёзувчи билан Феликс Медведев деган мухбирнинг суҳбати эълон қилинди. Суҳбат, умуман, кенг қамровли мавзуга бағишланган бўлиб, «диссидент» ёзувчи гап орасида СССРдаги айрим миллирларга менсимай қарашни билдириб қўйган эди. «Пахта иши», «ёзувчилар иши» муносабати билан уюштирилган бўҳтонлар ҳали ҳеч кимнинг эсидан чиқмаган бўлса керак. Марказда ўзбекларга қарши ҳужур бошланган даврда Марказий Осиёнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов: «Европа уйғониши учун Византия қанчалик муҳим роль ўйнаган бўлса, Осиёнинг уйғониши

Ҳозир том маънода янги давлат қуриляпти. Айни пайтда дунёқарашимиз ўзгараётти, мустақиллик нечоли азиз эканини тобора тереңроқ англаб етляпмиз.

Ҳозирги ўтиш даврида турли-туман қийинчиликларга дуч келаётганимиз ҳам ҳеч кимга сир эмас. Лекин шуниси қувонарлики, мустақилликнинг асл самарасини кўряпмиз ва кўражамиз! Мана шу ишончнинг ўзи бизга битмас-туганмас куч-қувват бераётти. Ахир, баҳодир ота-боболаримиз айнан мустақиллик учун азиз жонларини фидо этмаганларми? Биз уларнинг муқаддас руҳи-поклари олдида қарздор эмасимизми?.. Улуғ мақсад йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг ҳаққи-ҳурмати учун, келгуси авлодларимиз мағрур, тўқин-фаровон яшашлари учун биз мустақилликимизни авайлаб-асрашимиз ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Мустақиллик инсоннинг асл қадр-қимматини тикламоқда. Ҳар бир инсон ўзининг имкониятларини тўла даражада яшашга қўл уриши мумкин. Имкониятлар мамлакатга — мустақил Ўзбекистонга қўз тегмасин! У дунё турғунча турсин!

(ЎЗА).



Дунёнинг барча фалсафаларидаги гузал маъноларни ўзбекининг кекса отахонлари панд-насиҳатларидан ҳам топсак бўлади. Қариялар жам бўлган даврда оқибат, яхшилик ҳақида турғун ишга чиқади. СУРАТЛАРДА: Ўзун туманида мўсафид отахонлар ҳордиқ олабдан чойхоналар сони тобора ортиб бормоқда.

И. ХҲЖАЕВ (ЎЗА) оқган суратлар.

Маънавий, ҳуқуқий қадриятларни қарор топтириш, юридик маданиятни шакллантириш адолатли фуқаролик жамияти талаби бўлгани учун, инсон ҳуқуқлари юксак эътибор бериб, ҳуқуқий муносабатларда фуқаролар иштирок этиши ҳуқуқий негизларини, давлатчилик ривожланишининг умумий қонунчилиги асосида мустақамлаб бориш заруриятини вужудга келтиради. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, адолатпарварлик ҳуқуқий тафаккур ривожига муҳим ўрин тутганда ҳамда фуқароларда миллий ҳуқуқий идрок этиш қобилиятини намоён бўлишига кўмак беради. Миллий ҳуқуқий маданият фуқароларни ахлоқийлик, адолатпарварлик, баркамоллик, ҳуқуқий етуклик руҳида тарбиялаб, ўрнатилган ҳуқуқий тартибга риоя қилишга даъват этади.

Ўқатига эга бўлиши тақозо этади. Фуқаронинг ҳуқуқий билиши ва уни ҳаётида қўллаш қобилиятига эга бўлиши ҳуқуқий жараёнда фаол ҳаракат қилишга имконият яратяди.

Ҳар бир шахснинг ҳуқуқий жараёни идрок этиши, маълум ҳуқуқий билимларга эга бўлиши, ҳуқуқий тартиқ даражаси билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданияти ўзига хос ҳолда намоён бўлади. Индивидуал ҳуқуқий онг ва умумий ҳуқуқий онг бир-бири билан узвий боғлиқ ташушчалардир. Агар индивидуал ҳуқуқий онг айрим шахснинг онги бўлса, умумий ҳуқуқий онг жамиятда ҳамма фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини қамраб олади. Индивидуал ва умумий ҳуқуқий онг фуқароларнинг жамиятдаги турмуш тарзи у яшашини ижтимоий ва ҳуқуқий муҳит шароитида тарбиб топади ва шаклланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг бир неча йўналишида, ҳусусан, болалар ҳуқуқий маданияти,

нинг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик-ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бирок ҳали жамият ва фуқаро давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандайдир бошқарилаётганига ҳақиқатан аниқлаш бўлашади ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиши керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидagi ўз масъулиятини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сийсий фаоллигини ошириш зарур. Барқарор мустақам тизимларда, агар фуқароларнинг сийсий манфаатларини рўй-обга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи иштирок этишда профессионал асосида мамлакатнинг сийсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади.

Мустақиллик тафаккури шаклланаётган ҳозирги жараёнда ҳуқуқий тарғибот фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий тарғиботнинг ҳамма шакли ва усулларидан фойдаланган ҳолда, фуқаролар маданиятини ошириш фуқаролик жамияти қуриш учун хизмат қилади.

Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарғибот ташушчалари мантқан боғлиқ равишда бир-бирини тўлдиряди. Ҳозирги пайтда камол инсонни, соғлом авлодни ҳуқуқий тарбиялаш масаласи, ҳусусан, оила, боғча, мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетлар иш фаолиятининг ажралмас қисми бўлмоғи лозим. Еш авлодда ҳуқуқий тафаккурга эга бўлиш қобилиятини вужудга келтириш, уларда ҳуқуқий онгни шакллантириш соғлом авлодни тарбиялаб, ҳуқуқий ҳаётида улар фаоллигини таъмин этиш омилини яратяди.

Эркин, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, одил, адолатли, фуқаролик жамияти барпо этиш фуқароларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш ва улар ҳуқуқий саводхонлигини таъмин этишнинг қонун ҳужжатларининг моҳиятини аҳоли кенг қатламлариға янада қўчқурроқ етказиш, уларда қонунга ва шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат ҳиссини шакллантириш, фуқароларнинг сийсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш мақсадида ҳуқуқий маданиятни юқори поғонаға кўтариш лозим.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаб айтганидек, ҳокимият тузилмалари-

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Якнида Самарқанд вилояти судида Булуңғур тумани «Дўстлик» ижара ҳўжалигининг бош ҳисобчиси вази-фасида ишлаб келган Уроқбой Бўрибоев томонидан ташкил этилган, унинг раҳбарлигидаги беш кишидан иборат уюшган гуруҳ уларға қўшилиб ўзга-нинг мулкни ўзлаштирган, ўз мансабига совуққонлик билан қараб, жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказган жами 15 нафар жиноятчи ҳамда ўз ваколатидан

Тумандаги «Дўстлик» ижара ҳўжалигида, айниқса, олдинги йилларға нисбатан галла ҳосилдорлиги пасайиб кетганили, сурункасига режалар бажарилмасдан келинаётганлиги — ҳўжалиқда галланинг сақланиш ҳолатлари туман прокуратураси томонидан умумий назорат тарзида текширилганда — ана шундай қинғирликлар мавжудлигиға дуч келинди. Яъни, бу ерда 1993 йилдан буён галла экиш майдонлари кўпайгани ва уруғлик нормадан ортқича сарф этилгани ҳолда ҳосилдорлик муттасил камайиб борган. Хуллас, биз ушбу жиноий иш юзасидан қўлимизға қалам олар эканмиз, бошқаларни ҳам ушўрликка чақиритиш, қонунга риоя этмаслик учун

жамиятида лаборант бўлиб ишловчи Фаҳриддин Усмонов жонга ора кирдилар. Бу уюшган гуруҳ сохта ҳўжатлар тайёрлашда пихини ёрган У. Бўрибоевнинг «қаноти» остида тонна-тонналаб бугдойни ўзлаштирдилар, сотиб мўмай даромад топдилар. Гуруҳда ишлар ўзаро тақсимланганди. Жумладан, Уроқбой «Дўстлик» ижара ҳўжалиги ва «Булуңғур» агро-росаноат комбинатидан уруғлик бугдой олиш учун сохта ҳўжатлар тайёрлаш, қолган эса шу ҳўжатлар асосида бугдойни олиб, имижимида ёки уни қилдириш сотиши лозим эди. Шу тариқа

Шунча уруғлик галла «жойини топиб» кетган, ерга нормадагидан анча кам уруғ солиниши табиий. Фирбиргалар гум қилган 21290 килограмм галла 1065,5 гектар ерга экилиши лозим эди. Ҳар гектар ердан ўртача 30 центнердан ҳосил олинади, деб ҳомчўт қилинганда ҳам, неча тонна ҳосил йўқ бўлганини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг. Ахир, шу миқдордаги галла билан қанча осомини бокса бўларди. Ҳақзилган умумий назорат текширувида прокуратура хотимлариға шу нарса маълум



1994 йилнинг 1 декабрь кўни ҳўжалиққа ҳеч қанча алоқаси бўлмаган Булуңғур туманидаги «Фаруҳ» дехқон ҳўжалиги раиси Алишер Юсупов ва Булуңғур шаҳрида яшовчи Баҳтиёр Қурбоновлар номиға ишонч қозғози расмийлаштирилиб, олғилар 13440 килограмм, эртаси кўни эса 10690 килограмм бугдойни ташиб кетдилар. Қинғир ишга комбинат бош директори қотибаси Шоира Қувондиқова ҳам жалб қилинди. Ана шундай қафолат хатлари ва ишонч қозғолази асосида 13 декабрь кўни 4900 килограмм, Ф. Усмоновнинг укаси, ҳўжалиққа дахли бўлмаган Садриддин Усмонов номиға сохта ишонч қозғози расмийлаштирилиб, 29 декабрь кўни 5000 килограмм уруғлик бугдойни ўмаршиди. 1995 йилнинг 7 январь кўни эса 9970 килограмм бугдой тинчтилди. Бунда ҳеч қарда ишламайдиган Ш. Маметов номиға ишонч қозғози берилганди. 24 январь кўни Т. Турсунқулов номиға ёзилган ишончнома ва сохта қафолат хати асосида 10 тонна бугдой ташмачилар қўлиға ўтди.

Ишонинг сийликчиға кетаётганлигидан илҳомланган, нафси тобора ўпқон бўлиб бораётган наҳанглар энди каттароқ миқдордаги маҳсулотни ўзлаштиришга бел боғладилар. 1995 йил ноябрда Самарқанд вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш хиссасдорлик жамиятидан Булуңғурдаги «Пир-устоз» ҳусусий қорхонаси ишонч қозғози асосида 50 тонна, сўнгра «Ок олтин» дон маҳсулотлари қабул қилиш пунктидан 45 тонна 640 килограмм, сал ўтмай Ш. Маметов деган шахс номиға берилган ишонч қозғози асосида Каттақўрғон дон маҳсулотлари хиссасдорлик жамиятидан 50 тонна 180 килограмм уруғлик бугдойни ўмаршиган.

Бу юйға 200 тонна уруғ сепилиб, режа 65,8 фоизға баҳарилган, ҳолос. 1995 йилда 1049 гектарға 207,3 тонна ризқу рўз уруғи экилиб, буюртма 65,9 фоизға удаланган. 1996 йилда эса режада белгиланган 1505 гектар ўрниға 1355 гектарға галла экилган. Гўё 199 тонна уруғ сепилган ва галвир сувдан қўтарилганда, олинган ҳосил йилда, олинган ҳосил йилда режанинг 31,5 фоизига тўғри келган. Ҳолбуки, ер шароити бир бўлган бошқа ҳўжалиқларда ҳар гектаридан 40-50 центнердан ҳосил олинган. Бу ҳол раҳбарларни, агрокомбинат мутахассисларини қизқиртирмаганлиги ажаблантирдир. Галла қабул қилиш идораларидаги мутасаддиларнинг ҳам парвоий палақлиги кишини ҳайратга солади. Нахотки, улар сохта ва ҳақиқий ҳўжатларни ажрата билмасалар? Бу эса «олғиларға жуда кўп келган.

Тумандаги ота-боболаримиз уруғлик бугдойни муқаддас қилиб, кўз қорачиқидек эҳтиёт қилишган, ҳақатчилик бўлганда ҳам уруғликка тегмаганлар. Аммо юқорида номи зикр этилган маъсул шахслар ҳамда бошқа жиноятчилар ота-боболаримизнинг бу удумиға хиёнат қилдилар, бунинг учун қонун олдига жавоб бердилар ва халқ нафратига дучор бўлдилар.

Уруғликка хиёнат — халққа хиёнат, халққа хиёнат — Ватанға хиёнат, демакдир.

Олдинлари галла уруғини ерга ташлаш байрамдек ўтган. Уруғни ташлашдан олдин олпоқ соқоли отахонларимиз далаға чиқиб, қўлларини очиб, Яратганин ўзидан мўл ҳосил тилаганлар, «уруғликка хиёнат қилганин уруғи қурисин» деб қарганлар. «Кўп дуоси қил», дейдилар. Шу удумларимиз тикланишини истардик.

«Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнғ ҳам қикади», деганлари рост экан. Давлат ва халқ мулки ҳисобидан бойлик орттиришга уринганларнинг иши очилди. Самарқанд вилоят суди бу жиноий ишни қўриб чиқди ва ҳўжалиқ бош ҳисобчиси бўлиб ишлаб келгани ҳолда ўз мансабини суиистеъмол этиб, уюшган жиноий гуруҳ тузиб, раҳнамолик қилган У. Бўрибоевни 18 йилға озодликдан маҳрум қилди. Қолганлар ҳам қилмишларига яраша жазоларини олдилар ва мол-мулклари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Ҳамид ЖўРАЕВ, Самарқанд вилоят прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси. Акбар СУЯРОВ, Булуңғур тумани прокурори ўринбосари.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАЛАБИ

нисбатан кенг маънодаги тушуна бўлиб, фуқаролик жамияти, миллат ва айрим бир шахснинг ички ҳаёти, рухий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокни ўзида муҳасамас этади. Ҳуқуқий маданият инсон ўз навобатида маърифатли шахс ҳисобланади. Маърифатли фуқаро мўйян соҳида маълумотга эга бўлиш билан бир қатарда, ҳуқуқий билимға, хулқ-атворага эга бўлган фуқаролик жамиятининг қонун ва қоидаларига риоя этиб яшаш талаб этилади.

оилавий ҳуқуқий маданият, давлат хизматчилари, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ходимлари, тиббиёт ва бошқа соҳа ходимлари ҳуқуқий маданият асосида ривожлантириш кўпроқ ўз самарасини беради.

Ҳуқуқий давлатда миллати, элти ва ижтимоий келиб чиқилишига қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини теңг деб эътироф этган ҳолда, уларни фуқаролик жамиятини қуришнинг мақсадлари сари уйғунлигини таъмин этиш, энг аввало, давлат ва жамият ишларини бошқаришда ва ҳуқуқий ҳаётида улар фаоллигини таъмин этиб, ҳар бир шахснинг ўзига хос салохияти ва имкониятларини рўйбга чиқариш омилини яратяди. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг «инсоний қазилатлари» ҳуқуқ доирасида шахс фаолиятининг тақомиллашувиға ва улар фаоллигини оширишга шароит тўғдиради. Ҳуқуқий маданият — фуқаронинг маънавий соғлом бўлишини ҳам объектив зарурият қилиб қўяди. Чунки маънавий соғлом фуқаро ҳуқуқий ҳаётида ўз бераётган ўзгаришларни тўғри идрок этишни, қонунларға риоя этишни ва умуман олағнда, ҳуқуқий ислохотларни амалға оширишнинг фаол иштирокчиси бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқ соҳилогийси ва психологийси ва ҳуқуқий тарғибот билан ҳам узвий боғлиқдир. Айниқса, фуқароларда ҳуқуқий маданиятнинг шакллантиришда, инсон манфаатлари муҳофазасини таъмин этишда ҳуқуқий тарғиботдан кенг ва мақсадға мувофиқ фойдаланиш зарур. Ҳуқуқий маданиятни шакл-

Хулқ-атор қоидалари инсонлар томонидан тўла анланган тақдирда, ҳуқуқий тарғибот ривожланишиға туртки бериб, фуқаролик жамияти асосини яратишни жадаллаштириш учун шароитини вужудға келишиға олиб келади.

Ҳуқуқий маданият — фуқароларда ҳуқуқни тушуниш қобилиятининг намоён бўлишини ҳам қамраб олади. Шу жиҳатдан фуқаролар ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида муҳук лаёқатига ва муомала ла-

КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

«БУЮК СОҲИБҚИРОН — БУЮК БУНЁДКОР»

Айтишларича, Европа мусаввирлик санъатида модерн йўналишининг асосчиларидан бири Анри Матис хали ўнчалик танилиб улгурмаган чоғларида кўлига Камолиддин Беҳзод миниатюраларига кўзи тушиб қолади. Янгилликка ўч, изланувчан Матис дафътан бебаҳо хазина топиб олгандек қувониб кетади.




Шарқ миниатюра санъатининг улуг номаюдаси уни ўзига ром этади. Шундан сўнг у мазкур санъат сирларини чуқур ўрганган. Аслида, Фарб мусаввирлигининг авангард мактаби бўлиши модерн йўналишининг мазмун-моҳиятини асосан символлар ташкил этади. Қадим тарихга эга бўлган Шарқ миниатюра санъатида ҳам воқелик рамзий тасвир воситалари асосида акс эттирилади. Ушбу мисол бизга аждодларимиздан мерос бўлган ушбу кўнча санъат турининг нақадар бекиб ахамиятга эга эканлигини далил беради.

бу ишнинг масъулияти ҳам ўнча-мунча ижодкорни ўйлантириб қўйиши шубҳасиз эди. Чунки яратилмаган картиналарда Амир Темурнинг бутун умр йўли, у барпо этган қудратли салтанатда гуллаб-яшнаган илм-фан, санъат ва маданият бор бўйича гавдалантирилиши лозим бўларди-да. Буни яхши билган уюшма ижодкорлари иши дастлаб турли музейларга бориб, тарихий адабиётлар, Шарқшунослик институтда ўқилган кўлжама асарлар билан танишиб чиқувдан бошлади. Айниқса, Шарфиддин Али Яздийнинг соҳибқирон бобомиз ҳаёти ва фаолияти ҳа-

хумо қуши ёрқин нурларга йўрилган ҳолда тасвирланган. Асарнинг «Оқсалиш» дея аталган иккинчи қисмида соҳибқирон Амир Темур тинимсиз жангу жадаллар, оқиллиги тадбиркорлик ила ўзи тиклаган буюк салтанат тахтида мағрур ўтирганча, давлат арконлари бўлиши вазиру уламолар, аҳли дониш билан мажлис қураётти. Ушбу манзарани кузатаркансиз, улар мамлакат қудрати, илм-фан, маданияти ривож, фуқаролар фаровонлиги ҳусусида кенгашаётганлигини англайсиз.

«Фахрланиш» деб номланган учинчи қисмида эса кўлида китоб тутган олпоқ соқолли нуроний ўзининг долғали кечган умр йўлини сарҳисоб этиб, қаршисидаги навқирон йигит — келгуси авлодларига панд-насихат қилаётти. Йигит унинг сўзларини жон қулоғи билан тинглаётти, шижоати баланд. Орқада эса узун йўл тинимсиз айланиб ётган ҳаёт чархалаги билан кесишиб ўтиб, соҳибқирон бобомиз мангу ором олаётган Гўри Амир мақбараси ашиғига туташиб кетган. Осмонда ёрқин из қолдириб, бир порлоқ юлдуз ўчди. Ҳа, тақдир ҳужумига бўйсуниб, буюк бир сиймонинг умр шаъми сўнди. Лекин фалақда яна юзлаб юлдузлар чарақлаб турирди. Улар таратаётган нурлардан макбара гўмбазини шуъланмоқда. Демак, Амир Темур номи мангу барҳаёт... Умуман, музей деворига ишланган мазкур тасвирлардан яна кўплаб маъноларни



қида кенг маълумот берувчи «Зафарнома» тарихий асарини синчковлик билан ўрганишга тўғри келди. Бўринов Аҳмедов, Галина Пугаченкова сингари тарихий олимларимиз улардан ўзларининг қимматли маслаҳатларини дариг туттишмади.

— Биз музейда тинимсиз, бир маромда меҳнат қилиб, 200 квадрат метр ҳажмдаги улкан тасвирни роппа-роса 45 кун дегадга тутатдик, — дейди «Санойи нафиса» ижодий гуруҳи аъзоси Тойир Болтабоев. — Очиги, илмийнинг бундай раван кетишини ўзимиз ҳам қутмаган эдик.

Музей деворига ишланган «Тугилиш», «Оқсалиш» ва «Фахрланиш» дея номланган уч картина мазмун-моҳияти жиҳатдан ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, улар соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида хикоя қилади. Ҳусусан, «Тугилиш» дея номланган биринчи тасвирда соз чалиб, шодикона бозм қураётган уч аёл тасвирланган. Уларнинг ёнида ҳаёт тимсоли бўлиши чиройли бешик турибди. Аёллардан бири эса бешик учун зарҳал ёпинчик тикаяпти. Юлдузли осмонда Соҳибқирон таваллуд топган дақларда юз берган самовий ҳодиса — икки сайёранинг ўзаро яқинлашуви ҳодисаси акс эттирилган. Айни шу чоғда самовда парвоз қиладиган афсонавий мавжудот —

ўқиш мумкин. Ижодкорлар хар учала кўринишни ҳам ранго-ранг бўёқлар воситасида, теран рамзийлик асосида тасвирлаганлар. Бир сўз билан айтганда, ушбу асар замонавий ўзбек маҳабатли миниатюра санъатининг ноёб ютуғи сифатида ҳам қадрлидир.

«Санойи нафиса» ижодий гуруҳи аъзолари томонидан Темурийлар тарихи давлат музейига ишланган «Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор» асарининг Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти тавсия этилиши айни кўнгилдагидек иш бўлди. Аслида, миниатюра санъати асосчиси номидаги мукофотга унинг бугунги издошлари номзоди кўрсатилишининг ўзида катта рамзий маъно бор. Улар амалга ошираётган хайрли ишлар, албатта, ҳар қандай эъзозу эътирофга лойиқдир.

Фафур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Санойи нафиса» ижодий гуруҳи аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейида иш пайтида; музейга ишланган «Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор» асарининг умумий курилиши.

Р. ШАГАЕВ олган суратлар.

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

Охунжон ҲАКИМОВ

ЖОН, ЎЗБЕКИСТОН!

Оламга танитиб туркийлар зотиш,
Ёйиб Муқаннаю Темурлар отиш,
Дилга жо этиб эгаминг ёдиш,
Минг йиллардан ўтиб келолган

Менинг ўзбек элим,
Жон, Ўзбекистон!

Камол топадирсан тўлиб қудратга,
Албат етадирсан олиё ниятга,
Томилларинг туташ абадиятга,
Ўзинг танилаб олган йўлларинг

Менинг ўзбек элим,
Жон, Ўзбекистон!

Бошинг кўйи юрдинг бир ярим аср,
Қулабада кун кўрдинг курсанг-да қаср,
Бу кун саодатдан хурраму масрур,
Қувнагил, сенга ҳам боқадир замон --

Менинг ўзбек элим,
Жон, Ўзбекистон!

Ётлар қилган эди ҳолингиз сабуни,

Тоқат қилар эдинг гарчи бағринг хун,
Темурзодаларинг дарқандир бугун,
Тонларинг отадир энди

Менинг ўзбек элим,
Жон, Ўзбекистон!

Энди кул эмассан, қарам эмассан,
Энди қисматингиз қаро демассан,
Сен жаҳон баҳрида сузган кемасан,
Кўксингда бор сенинг қудратли

Менинг ўзбек элим,
Жон, Ўзбекистон!

Э, ақлу широкни ундирган замин,
Илк бора сен ёқдинг тафаккур

Минг йиллар беэвол

Менинг ўзбек элим,
Жон, Ўзбекистон!

Менинг ўзбек элим,
Жон, Ўзбекистон!

нуррафшон --

булқон --

шаъми,

яшнагил, омин!

Имон --



ФУТБОЛ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасининг 1/4 финал босқичи учрашувларидан бири Тошкентда бўлиб ўтди. «Пахтакор» Қарши шаҳрининг «Насаф» командасини қабул қилди. Маълумки, ушбу командаларнинг Қашқадарёда ўтказилган дастлабки учрашувларида «Насаф»чилар 2:0 ҳисобида ютишганди. Такрорий ўйин бирмунча бошқача кечди.

Ҳар иккала команданинг мураббийлари ҳам ўйинга жиддий тайёргарлик кўрганлиги футболчиларнинг хатти-ҳаракатидан билиниб турди. Бироқ «Насаф» дарвозабони Олег Қаҳҳоровнинг эъ-

кор мураббийларидан Миржалол Қосимов ва команда бошлиғи Асқар Толибоновлар эса футболмайдонига чоғлиб киришди.

Футболнинг ўз қойдаси бор. Бунга кўра, команда

ҲАКАМЛАР ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛСИН

тиборсизлиги оқибатида 3-дақиқалаёқ ҳисоб очилди. «Пахтакор»чи Ёрқин Назаров чамаси 35 метрлардан қучиб зарба билан тўпни рақиб дарвозасининг ўнг бурчагига туширди. Бундан шунинг қолган меҳмонлар то ўзларига келишгунча Азамат Абдураимов иккинчи тўпни киритишга улгурди.

Хуллас, шу кун «Пахтакор» 4:0 ҳисобидан енди. Бироқ футбол ишқибозлари тошкентликлардан бундай асабузар ўйин куттишмаганди. «Насаф»га учинчи тўп киритилиши билан майдондаги футболчилар ўртасида «муросазлик» бошланди. Қанот ҳақами дастлаб «Пахтакор»чилар ўйиндан ташқари ҳолатда эканлигини кўрсатди. Тўп дарвозага бориб тушгач, ўз кўрсатмасидан қайтди. Шундан сўнг «Насаф»чилар бош ҳақам Пиворовни ўртага олишти. Бундан асабийлашган «Пахта-

раҳбарларининг бош ҳақам руҳсатисиз майдонга кириши мумкин эмас. «Пахтакор» мураббийларининг бу бепишандлиги кўпчилиكنи лол қолдириди.

Футбол ишқибозларининг эсидан чиқмаган бўлса, «Пахтакор» — «Нефтчи» учрашувида ҳам худди шундай ҳолат юз берганди. Қисқаси, бизнинг ҳақамларимизда қатъият етишмайди. Бунинг оқибатида ўйин мобайнида тартибсизликлар юз бериб турибди. Хўш, бу ҳол қачонгача давом этаркин? Олдимизда Жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари каби катта мусобақалар турирди. Зеро, футбол маданиятини ўрганиш, унга ривож қилиш фақат футболчиларининг эмас, команда устозу тренерларининг ҳам бурчидир.

Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОЛАЛАР СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Болаликнинг беғубор онларига хасталик чанг солганда, мурғак кўнгиллارга ачинасиз. Дунёнинг завқу лаззатлари, турмушнинг қувончу ташвишини тўлиқ татиб қўрмаган фарзандларимиз соғлиги нафақат ота-она, бугун давлатимиз раҳбарияти диққат марказида турибди.

Тошкент шаҳри, Ақмал Икромов туманидаги «Оқтепа» маҳалласида болалар сил касалликлари сиҳатгоҳи жойлашган. Ушбу масканда мазкур хасталик билан оғриган болалар даволанади. Шифохонада ҳозир барча шарт-шароитлар мавжуд. Мария Юсупова, Умида Лутфуллаева, Азиза Юсупова сингари дарёдил тарбиячи ва шифокорлар уларга ўз фарзандлари каби муносабатда бўлишмоқда.

Дилрабо ДАВЛАТОВА.

Эркаклар бақувват бўлиши керак



СТАМИНА

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

ИНФУЗИОН ЭРИТМА ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИ ЎЗБЕК-АМЕРИКА КОРХОНАСИ
"Ташфарм Американ Интернешнл" мамнуният билан маълум қиладики, кўшма корхона 1997 йилнинг айни ёз кунлари ўз махсулотларини ишлаб чиқаришга киришди.
Биз Ўзбекистонликларнинг саломатлиги ҳақида қайғураемиз!
Тиббий тавсияларга эътиборингиз: кўшма корхона жаҳон андозаларига мос, вена (кўктомир)га юбориладиغان 20 хилдан зиёд эритма ишлаб чиқаради. Ҳозирги пайтда 5 ва 10 фозли глюкоза, физэритма тавсия этаемиз. 500 мл. қилиб қадоқланган.
Бизнинг манзиларимиз:
Кибрай туманидаги Геофизика кўргони.
Тел.: 61-22-52, 61-25-71.
Тошкент, Себзор даҳаси, 1-а, "Фармако" ишлаб чиқариш-савдо компанияси.
Тел.: 40-48-06, 40-40-74, 40-44-83. Факс: 40-48-53.
"Ташфарм Американ Интернешнл"

Ташкилотлар раҳбарлари диққатига
КОРХОНА
Нефть махсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш чоғида аниқ ҳисоб-китоб олиб бориш ва аниқли-ойлаш шартларидан аниқгина ҳар бир аҳоли тартибига солишда Сизга ёрдам беради.
Ўн йилдан зиёд тажрибага эга бўлган ва «Удавастандарт»нинг 0132 рақамли лицензиясини олган корхона
ҚИЙИНЛИКЛАРНИ БАЖАРА ОЛАДИ.
резервуарлар ва нефть ҳавуларини ҳажми ва геометрик усулда ГОСТга мувофиқ тез ва сифатли даражалош;
резервуарлардан тезлик ва териллаш (буғ билан қопланган) уларни нефть махсулотларидан бўшайтиш туриб (ловасиз усулда) тез бартараф этиш;
автомобилларга аниқли қўйиш станцияларида, аниқли мойлаш амборларида соғлаш, илга тушириш юмушларини бажариш.
Бизнинг телефонлар: 05-3712, 55-84-22, 45-52-35.

«Ўзбекистонга» уюшмаси жамоаси Асақдаги «Асақатекстиль» ҳиссадорлик жамиятининг бошқаруви раиси уринбосари Муталиб Ҳасановга отаси Обид ҳожи ҲАСАН ўзининг нафот этгани муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.
«Етмойтмажисаноат» уюшмаси жамоаси бўлими бошлиғи У. Исломова отаси Лутғунисо ЗОНТ қизининг нафот этганини муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади.
«Ўзқурилишматериаллари» компанияси жамоаси «Самарқандмармар» акционерлик жамияти раиси Баҳромбек Бобоқуллова оналари БАРОНО аялининг нафот этганини муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.
Нефть ва газ конлари геологияси ва қилдируви институти жамоаси институт еткази илмий ходими, геология ва минералогия фанлари номзоди, урули йилларида меҳнат фронти кўнатишчиси Тўхта ТЎЖИБВИНИНГ бевақт нафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардик билдилади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Хўқуқ ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодийёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳаррират 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буортма Г — 0522, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00
Босишга топширилди — 0,43 1 2 3 4 5 6

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир —М. Сафаров.
Навбатчи — Ф. Сапаев.
Мусахҳиҳ — Ш. Режанов.